

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИНИ ЮКСАЛТИРИШ ҲАМДА ЁШЛАРНИ ДЕСТРУКТИВ ҒОЯЛАР ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ФАЛСАФИЙ ВА ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

**Мадрахимов.В.Б**

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедраси  
бошлиғи ўринбосари, Мустақил изланувчи*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада Янги Ўзбекистон шароитида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини юксалтириш ҳамда ёшларни деструктив ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишнинг фалсафий ва педагогик-психологик омиллари ҳақида батафсил фикр юритилади.*

**Калит сўзлар:** *Ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мазмун-моҳияти, Ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими, субъектлари, объектлари, принциплари, воситалар, йўналишлари, шакл ва услублари.*

*“Ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди”*

**Шавкат Мирзиёев**

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – миллати, тили ва касбидан қатъий назар, ёшларда Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, уларни ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг кўп босқичли, тизимли, мақсадли ва мувофиқлаштирилган фаолиятидир<sup>1</sup>.

Юқоридаги фикрдан келиб чиққан ҳолда мазкур бобда хорижий армиялар кесимида кўриб чиқилган ва ўрганилган Б.Британия, Польша, РФ ва Қозоғистон Республикаларининг Қуролли Кучларидаги ватанпарварлик ва армиянинг обрўини кўтаришдаги ОАВ, кино саноати ва бошқа ахборот органлари билан узоқ вақтлардан буён ҳамкорликда

<sup>1</sup>Aleksandrov, E. A. Humanitarianization as a means of humanizing the educational process: some aspects of military history and foreign experience // In the collection: «Development of military pedagogy in the XXI century». Proceedings of the V Interuniversity Scientific Practical Conference. Ed. S.V. Kostareva, I.I. Sokolova, N.V. Ershov. 2018.




фаолият олиб боришларини таҳлил қилиб, бу борадаги ислохотларни мамлакатимиз Қуролли Кучлар доирасида тадқиқот ўтказиб, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг армия имиджини шакллантиришдаги қатнашуви масаласини ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик. Бунда англиялик ҳарбий психолог Н.Коупленднинг илгари сурилган тезислари ҳам инобатга олинди. Яъни, “индивидуум ўзига ишониши шарт.

Армия ўз кучига ишониши зарур. Армия ўз командирига ишониши зарур, Армия ўз мамлакатига ишониши зарур. Армия мамлакатининг ишига ишониши зарур”<sup>2</sup>. Республикамиз марказий матбуот органларидан бири бўлган “Халқ сўзи” газетасининг **2020-2021** йилларда чоп этилган сонларининг таҳлилини ўтказдик. Таҳлил натижалари **2020** йилда умумий чоп этилган материалларнинг **0,59%** ни ҳарбий-ватанпарварлик соҳасига бағишланганлигини, **2021** йилда эса ушбу кўрсаткич бир мунча ошиб **0,73%** ни ташкил этишини кўрсатиб, ўрганилаётган соҳага бағишланган материалларнинг асосий қисми **январь, май, август ва декабрь** ойларида чоп этилганлигини намойиш этди. Жумладан, **2020/21** йилларда Қуролли Кучларга бағишлаб чоп этилган материаллар асосан **етти йўналишда** чоп этилган.

**2020-2021 йилларда чоп этилган сонларининг таҳлилини ўтказдик**

| №/р | Йўналишлар  | 2020 йил % | 2021 йил % |
|-----|---|------------|------------|
|     | Ўзбекистан Республикаси Президенти - Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг соҳага тегишли қарор ва фармонлари | (21%)      | (27%)      |
|     | Армияга чақирув масалари  | (19%)      | (24%)      |
|     | Ҳарбий хизматчиларнинг маданий ҳордиғи масалалари   | (16%)      | (15%)      |
|     | Жанговар ва ижтимоий сиёсий тайёргарлик масалалари  | (16%)      | (15%)      |
|     | Ҳарбий шахарчалар ва ётоқхоналардаги маиший шароит масалалари   | (13%)      | (12%)      |
|     | Ҳарбий-касбий тайёргарлик масалалари  | (9%)       | (5%)       |
|     | Ҳарбий билим юртлари ва КМТМ битирув масалалари   | (6%)       | (2%)       |

<sup>2</sup> Коупленд Н. Психология и солдат. - М: Воениздат, 1960. -71-74-б.



Бу ўз навбатида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига оммавий тарзда таъсир кўрсатади. Шунинг учун, ёшлар онгига сингдирилаётган армия (Ватан ҳимояси тўғрисидаги) образининг мазмунига кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Бунда, армиянинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий ва жанговар ҳолати ҳақида маълумот давлат сири ва ҳарбий сирга мансублик даражасига қатъий риоя этилган ҳолда тарқатилиши мақсадга мувофиқдир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобининг еттинчи “Хавфсизлик ва ташқи сиёсат”<sup>3</sup> бўлимида соҳага ойда мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг яқин йилларда эътибор қаратиш зарур бўлган стратегик вазифаларининг хотимасида ҳам “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз ишларни олиб бориш” белгиланганлиги бежизга эмас албатта.

Бу вазифа ўз ўрнида Янги Ўзбекистон шароитида ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик фазилатларини юксалтиришнинг қуйидаги **омил ва шартларини** белгилаб беради:

ёшларнинг маънавий савиясини юксалтириш, бой маданиятимиз ва анъаналаримизга асосланган дунёқарашини шакллантириш;

унинг онгига Ватан ҳимояси муқаддас бурч эканини, миллий армиямиз билан фахрланиш туйғусини чуқур сингдириш;

ёшларга мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини етказиш ҳамда фаол ҳаётий позициясини шакллантириш;

уларга миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўргатиш ҳамда уларда “Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади!” деган ҳаётий эътиқодни қарор топтириш;

диннинг асл мазмун-моҳиятини теран очиб бериш орқали ҳарбий хизматчиларни фидойилик ва садоқат, ҳалоллик ва поклик, мустақил фикр ва соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш;

уларнинг эстетик тарбиясини кучайтириш, уларнинг маданият ва санъатнинг турли соҳаларига бўлган қизиқишларини ошириш.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қуйидагилар асосий вазифа этиб белгиланади<sup>4</sup>:

ёшларни миллий ғоя ва Ўзбекистон Республикасига, унинг халқи ва Президентига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш;

қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш;

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. - 325 б.

<sup>4</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. / Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.

миллий армиямизга жисмонан бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизмат ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун муқаддас бурч экани ҳақидаги тушунча ҳамда бу борадаги назарий-амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш;

ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини, турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш;

жанговар ҳаракатларга мослашиш, ҳар қандай мураккаб вазиятларда тезкор ва мустақил қарор қабул қилиш, замонавий ҳарбий техника воситаларидан самарали фойдаланиш малакасига эга ёшларни тарбиялаш;

Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида, ҳар бир қадамда ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидоий бўлиш – бу бугунги кун талаби эканини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар билан ёшлар онгига сингдириб бориш.

Шу билан бирга, армия имиджини шакллантириш жараёни маълум бир омиллар бирлиги таъсирида кенг ёйилиши имкониятини эътироф этиб, буларга қуйидагиларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

а) Қуролли Кучларга мансуб бўлган халқнинг тарихий хотираси ва ватанпарварлик анъаналарига содиқлиги;

б) ҳудуддаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг характери ҳамда мамлакатга нисбатан реал таҳдиднинг мавжудлик даражаси;

в) Қуролли Кучларни тезкор сафарбарлигини амалга оширишнинг қонунлар асосида расман эълон қилинган мақсад ва вазифалари;

г) Қуролли Кучларда мавжуд кўрсаткичларнинг реаллик даражаси;

д) сиёсий, ахборот-психологик технологияларни армия имиджини шакллантириш сиёсати субъектларининг мақсадли йўналтирилган фаолиятининг воситаси сифатидалиги;

е) армия ва аҳоли ўртасидаги маънавий алоқаларнинг мустаҳкамлиги ва ҳ.к.

Ўзининг “Хавфсизликнинг методологик асослари” номли китобида устоз, профессор Р.С.Самаров “Армия имиджини шакллантириш жараёни ўзига хос ижтимоий ва давлат институти эканлигини, иккинчи томондан, армия имиджини шакллантиришда бутун жамиятнинг, шунингдек унинг давлат ва ўзга сиёсий институтларининг иштироки объективлигини акс эттирувчи атамани киритиш лозим. Бундай атама, фикримизча “Ҳарбий-имидж сиёсати” бўлиши мумкин” деб таъкидлаганлар<sup>5</sup>.

<sup>5</sup> Р.С.Самаров. хавфсизликнинг методологик асослари.Т.: “Академия”, 2010.

**Ҳарбий имидж сиёсати** - бу жамоатчилик, давлат раҳбарияти ва ёшлар тафаккурида Қуролли Кучларнинг замонавий тимсолини шакллантиришга йўналтирилган давлат ва жамият аҳамиятига эга, мақсадли чора-тадбирлар мажмуасидир. Ҳарбий-имидж сиёсатини структуравий жihatдан қуйидагича кўрсатиш мумкин:

давлат ва унинг бошқа субъектлари Қуролли Кучларнинг зарурий имиджини шакллантиришдан манфаатдорлиги;

сиёсий ҳамда ижтимоий жараёнларнинг субъектлари ва иштирокчиларининг Қуролли Кучларнинг имиджини шакллантиришга нисбатан муносабатлари;

Қуролли Кучларнинг имиджини шакллантиришда сиёсий ва ижтимоий жараён субъектларининг турфа фаолияти;

сиёсий ҳамда ижтимоий жараёнлар субъектлари ва иштирокчиларининг Қуролли Кучлар ва унинг фаолияти туғрисидаги тасаввурларининг таркибий қисми;

жамият ва давлатда армиянинг у ёки бу имиджини шакллантиришга доир шакл, восита, услуб ва технологиялар.

Функционал жihatдан эса, ҳарбий имидж сиёсати бир қатор асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилгандир:

жамият ва давлатда Қуролли Кучлар ҳамда бошқа ҳарбийлаштирилган куч тузилмаларининг ижобий имиджини (самарали, қудратли, кучли, тезкор, вазифаларни мақсадли бажара оладиган ва хоказо) шакллантириш. Бу жамият ҳамда давлат раҳбарияти Қуролли Кучлар ва унинг белгиланган ўқув-жанговар вазифаларни бажаришга тайёргарлик даражаси қандай ҳолатда деган саволга аниқ жавобга эга бўлишидир. Жамият эса, ўз навбатида Қуролли Кучлар ҳарбий вазифаларни бажаришга қодирлигига тўлиқ ишониши лозим;

давлат ва Қуролли Кучларнинг оммавий ахборот воситаларидан ташқари, ўз олдига армия, мамлакат ҳарбий-сиёсий раҳбарияти имиджини мустаҳкамлаш мақсадини қўйган махсус тузилмаси бўлиши лозим. Ҳарбий имидж сиёсатининг субъектлари Қуролли Кучларни реклама қилишлари армиянинг муҳим сиёсий вазифаларни амалга оширувчи давлат институти сифатида намоён қилишлари даркор.

Ҳарбий имидж сиёсатини амалга оширишда муҳим роль ҳарбий ташкилотни жамият учун очиқ ва тушунарли институт сифатида намоён этувчи, унинг устидан фуқаролик назоратининг амалга оширилишига тегишлидир.

Ҳарбий имидж сиёсатининг яна бир функцияси ҳарбий хизматчилар ва аҳолини ватанпарварлик руҳида тарбиялашдир. Бу дегани, армиядаги хизмат ва Ватан мудофаасидаги иштироки ҳокимият, аҳолининг катта қисми, оммавий ахборот воситалари томонидан қўллаб

қувватланишидир. Бундан ташқари, Куролли Кучларнииг фақат асосий қонунда кўзда тутилган вазифаларига содиқ қолишларининг энг ишончли кафолати бўлиб ҳарбий хизматчиларнинг юксак маънавий ва ахлоқий сифатлари, миллий ва касбий қадриятларга содиқликлари хизмат килади. Бунинг учун улар онгида нафақат **“мақсадли қуролланган инсон-ҳарбий хизматчи”**, балки она юртининг фуқароси ҳиссини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу аснода фуқароларга мудофаа тафаккурини шакллантириш бўйича тушунчалар бериш, миллий ривожланиш ғояларининг асосий тамойилларини сингдириш учун янги педагогик технологиялардан ҳам фойдаланиш лозимдир. Бу борада Қуролли Кучлар тизимида тарбиявий ишларни тизимли тарзда, аниқ мақсадга йўналтириб, изчил олиб бориш ижобий самара беради. Бу эса, давлат сиёсатини, қонунчиликни, давлатнинг миллий манфаатларини доимий равишда тушунтириб бориш орқали шахсий таркибнинг тегишли даражадаги сиёсий ва ҳуқуқий билимларга эга бўлишини назарда тутати<sup>6</sup>. Чунки, ҳарбий хизматчиларнинг юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, фуқаровий ўз-ўзини англаш ҳисси беқарор даврларда Қуролли Кучларнииг турли экстремистик ва бошқа бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олади.

Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардан бири бўлиб, унда армиянинг ўрни муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнида сиёсий ҳокимият ва Қуролли Кучларнинг ўзаро муносабатлари, Куролли Кучларнинг сиёсий ҳокимият тизимидаги мавқеи ва роли ушбу мақсадга хос бўлган бир қатор мезонларга боғлиқдир. Ушбу мезонлар сирасига халқ ҳокимиятчилиги, жамиятда милитаристик ғояларнинг барҳам топиши, ички ҳарбий хавфсизликни таъминлашда қонун устуворлиги, Куролли Кучларнинг сиёсат субъектига айланишига йўл қўймаслик, шунингдек давлатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, илмий-техникавий ривожланиш даражаси ҳамда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ишончли таъминлай олиш қобилияти кабиларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Буюк Британия ва Польшада ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш энг асосий омили бу улар билан кўп йиллар мобайнида ўтказиладиган махсус ҳарбийлаштирилган тадбирлардир, Россия Федерациясида эса мазкур соҳанинг энг муҳим омилларидан бири бу уларнинг имтиёзлар ва қаттиқ тартиб-интизом билан боғлиқлигида бўлса, Қозоғистон Республикасида

<sup>6</sup> Ефимов И. Армия, общество, реформы // Журнал “Свободная мысль”. - М., 1995, № 9.

асосий омил бу уларнинг миллий урф-одат ва қадриятларга асосланган ҳолда олиб борилаётганидадир.

Шундай қилиб, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида хориж мамлакатлари ўзининг амалиётдаги тажрибаларининг таҳлили, ёшларни жисмоний, ақлий, ижтимоий ва маънавий салоҳиятли этиб тарбиялаш, ўз мамлакати тақдирига масъулиятли ва муносиб келажак эгаларини тайёрлаш, келгусида мамлакат армиясини етук, малакали ҳамда иқтидорли ҳарбий кадрлар билан бутлаш, шу билан бирга ўсиб келаётган келажак авлод ёшлари учун “замонавий ёшлар” намунасини яратиб бермоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг натижаси ўлароқ Мудофаа вазирлиги ҳузурида ташкил этилган “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳаракати фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек мазкур ташкилотга барча умумтаълим мактабларини қамраб олишини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”ни ПФ-60-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2022 й. 1-сон. 70-модда.

2. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни 2016 йил 14 сентябрь, ЎРҚ-407-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, Lex.uz, 2016 й., 37-сон, 426-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/156-сон.

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриги.// Ватанпарвар, 2021 йил 15 январь. №2.

4. Холмахматов А.Х. -“Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг механизмлари ва технологиялари” сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси ЎЗМУ. Т. 2019 й. 14-28 б.

5. Жўраев. С. Ўзбекистон Республикасида ўтиш даврида ёшларга оид давлат сиёсати шаклланишининг хусусиятлари: назария ва амалиёт. – Т., Тош. дав. Шарқ-лик инс-ти, 1994; 39 б.



**ИНТЕРНЕТ НАШРЛАРИ:**

1. Романова И.Г. Особенности функционирования комиссий по делам несовершеннолетних и защите их прав в современной России. Научная статья на тему. М.: 2015. <http://www.nsportal.ru>.
2. Ўз.Р. давлат статитиска қўмитаси расмий сайти, <http://www.stat.uz>.
3. Мудофаа вазирлиги интернет сайти. <http://www.mv.uz>.

